

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН
ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИНИНГ ТЕЗКОР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Ashurov Otabek Ummatillayevich

O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi

Tezkor qidiruv faoliyati kafedrasida katta o‘qituvchisi, mayor

E-mail: otabekashurov@gmail.com

Raxmatullayev Ulug‘bek Nusratilla o‘g‘li

O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi 2-o‘quv kursi

203-guruh kursanti

Аннотация: Мақолада ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан фирибгарлик жиноятининг тезкор профилактикасини амалга оширишнинг истиқболлари ҳамда унинг таркиби таҳлил қилинган, мазкур турдаги жиноят учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича айрим хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганган ҳолда асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари, Фирибгарликнинг тезкор профилактикаси, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш, жавобгарлик, жазо, жиноятчиликка қарши амалга оширилиб келинаётган маъмурий-ҳуқуқий, жиноий ислохотлар, Конституциявий асослари, қонун устуворлиги, инсон қадр, инсон манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркинлик, кафолат, қонун ҳужжатлари, давлат, жамият.

Аннотация: В статье проанализированы перспективы осуществления оперативной профилактики преступлений мошенничества оперативными подразделениями органов внутренних дел, а также их состав; на основе изучения опыта отдельных зарубежных государств по совершенствованию ответственности за данный вид преступлений разработаны обоснованные предложения и рекомендации.

Ключевые слова: Органы внутренних дел и их оперативные подразделения, оперативная профилактика мошенничества, обман, злоупотребление доверием, ответственность, наказание, проводимые административно-правовые и уголовные реформы по противодействию преступности, конституционные основы, верховенство закона, достоинство человека, интересы человека, обеспечение прав и свобод граждан, свобода, гарантии, нормативно-правовые акты, государство, общество.

Abstract: The article analyzes the prospects for implementing operational prevention of fraud-related crimes by the operational units of internal affairs bodies, as well as the elements of this type of crime. Based on a study of the experience of certain foreign countries

in improving liability for such crimes, well-founded proposals and recommendations have been developed.

Keywords: *Operational units of internal affairs bodies, operational prevention of fraud, deception, abuse of trust, liability, punishment, ongoing administrative-legal and criminal reforms aimed at combating crime, constitutional foundations, the rule of law, human dignity, human interests, ensuring the rights and freedoms of citizens, freedom, guarantees, legal acts, the state, society.*

К И Р И Ш

Мамлакатимизда сўнги йилларда фирибгарлик жиноятларининг содир этилиши кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги ташвишланарли вазиятни юзага келтирмоқда. Айниқса, ахборот коммуникация технологиялари ривожланиб бораётганлиги, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ҳамда электрон тўлов тизимларидан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганлиги ўз навбатида ушбу соҳаларда фирибгарлик жиноятлари сони ошишига олиб келмоқда..

Долзарблиги: глобаллашув ва турли таҳдид ва можароларнинг кучайиши даврида табиий ва техноген офатлар, жумладан жиноятчиликнинг ошиб кетиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди. Хусусан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилишга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида сўнги етти йилда мамлакатимизда жадал маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар давом этмоқда.

Муаммонинг баёни: ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижада Ички ишлар вазирлиги ва ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаси ислоҳ қилинди.

Ҳуқуқбузарликлар

ва жиноятларнинг барвақт ва дастлабки олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари аниқ тақсимланган ҳолда, уларнинг функция, вазифалари мазмун-моҳияти қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакатда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилмоқда.

Ушбу мақолада биз янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар масаласини кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз.

Тадқиқот мақсади: ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни

ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуллари: ички ишлар органлари фаолиятидаги маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, фуқароларимизнинг шахсий ҳуқуқининг ажралмас таркибий қисми саналган мулк ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Тарихан қисқа даврда мамлакатимизда хусусий мулкчилик соҳасида улкан муваффақиятларга эришилиб келинаётганлиги, бу дунё ҳамжамияти томонидан муносиб баҳолашиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига мувофиқ, “Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”¹ деб кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун мулкрий ҳуқуқни амалга оширишга ҳар қандай ноқонуний аралашини ушбу ҳуқуқни жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли, юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев, маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги нутқида “Ўзини кўча деб атайдиган жиноий гуруҳлар бўладими, коррупцияга берилган мансабдор шахслар бўладими, ким қонунга беписанд қараб, давлат ва жамиятга зарар етказадиган бўлса, биз бунга ҳеч қачон жим қараб туролмаймиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, ҳаётимиз том маънода тинч ва тоза, жиноятдан холи бўлиши керак. Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт ва албатта, шундай бўлади, деб айтиб ўтдилар”².

Мамлакатимизда умумхалқ референдуми орқали 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, бир қанча қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айтиш керакки, янги Конституция асосида бир қатор қонунларга, шунингдек, Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодексларига муҳим ўзгартишлар киритилмоқда. Ушбу тузатишлар

¹ <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияси. Тошкент-2023.

² <https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/22/crime/>. Ш.М.Мирзиёевнинг. Маънавият ва маърифат кенгашининг жума куни бўлиб ўтган йиғилишидаги нутқидан. Тошкент-2023.

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазо тайинлашда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Бу ҳақда сўз борганда, мустақиллик йилларида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга ҳамда хусусий мулкчиликка алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим¹.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга биноан, фирибгарлик жиноятлари учун жазонинг содир қилинган жиноятга мутаносиблигини таъминлашга, бундай қилмишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги оширилди. Жумладан, хусусий мулкчиликка қарши қаратилган жиноятлар қатоида фирибгарлик жиноятларини содир қилганлик учун максимал жазо муддати кучайтирилди. Шунингдек, қонунчиликдаги ўзгартишлар сабабли, эндиликда фирибгарлик жиноятларини содир этган шахслар ихтиёрий равишда фуқароларга ва давлатга етказилган **моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги** тўғрисидаги нормалар қонунчиликка киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддасига мувофиқ, Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш уч йилгача, анча миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса уч йилдан беш йилгача, кўп миқдорда, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса беш йилдан саккиз йилгача, жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади² деб кўрсатиб ўтилган. Мазкур жиноят тури бўйича жазо чораларининг оширилиши юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципиаллиги тамойилини таъминлаш, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш чораларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Афсуски, сўнгги ўн йилликда ўзгалар мулкани фирибгарлик билан талон-торож қилиш кўпайиб бормоқда.

Фирибгарлик жабрланувчини адашишга ундаш орқали содир этилади. Бунинг натижасида жабрланувчи мулк ёки мулкка бўлган ҳуқуқини ихтиёрий ва онгли равишда жиноятчига топшириб қўяди. Алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш фирибгарликнинг шакллари бўлиб, ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқни тўлақонли қўлга киритишдан олдинги оралиқ мақсадни назарда тутаяди. Фирибгарлик жиноятини содир этувчи шахслар одатда алдаш йўли билан яъни, айбдор томонидан,

¹ Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 25(2), 49-53.

² <https://lex.uz/docs/111453>. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент-2021.

била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ҳаракатлар қилади. Кўпинча ҳолатларда, бу жиноят қурбонлари жуда тез ишонувчан, содда, кундалик турмушда юзага келадиган муаммоларни ҳам ўзгаларнинг ёрдами билан осон ҳал қилишни истайдиган ва етарли даражада ҳуқуқий билимларга эга бўлмаган, саводсиз инсонлар асосан ёшлар ташкил қилади¹.

Фуқароларимиз фирибгарларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, ушбу жиноятнинг жабрланувчиси бўлиб қолмаслиги учун, аваламбор ҳаётида ва кундалик турмушда юзага келадиган муаммоларни ечимини ўзгаларни ёрдамсиз топишга ҳаракат қилиш, агарда ўзининг ёрдамини ёки хизматини таклиф қилаётган шахсларни ҳаракатлари қонунийлигига шубҳа пайдо бўлса, бу ҳолатларда бу каби таклифларни дарҳол рад этишлари, бошқа фуқароларнинг бу каби жиноятларнинг қурбонлари бўлиб қолишларини олдини олиш мақсадида давлат органлари (жумладан виртуал порталлар ва ҳалқ қабулхоналари)га мурожаат қилиш лозим бўлади.

Агарда фуқароларнинг фирибгарлик оқибатида ҳуқуқ ва манфаатларингизга путур етган бўлиб, ушбу жиноятдан зарар кўрган бўлса, аваламбор ушбу воқеа содир бўлган жойлардаги ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилишлари лозим бўлади. Фирибгарлик жиноятлари оқибатида жабр кўрганларнинг ҳуқуқ манфаатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шу жумладан, ички ишлар органлари томонидан қонуний ҳимоя қилинади.

Хозирги вақтда тўла-тўқис ҳаёт кечириб тинимсиз меҳнат ва сабр-тоқат талаб қилишлиги сабабли айрим шахслар осон даромад топиш мақсадида фирибгарлик жиноятларини амалга оширишликни йўлга қўйиб олган. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботида жиноят турлари ичида энг кўп содир этилгани фирибгарлик жинояти эканлиги ҳам гапимизнинг тасдиғидир. Фирибгарликнинг тарихи инсониятнинг келиб чиқиши каби узоқ тарихга эга. Аслида, алдов, таъмагирлик, тухмат, фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкига эгалик қилиш кишилиқ жамияти билан бир пайтда пайдо бўлган. Айни чоғда эса фирибгарликнинг юздан ортиқ тури мавжуд.

Содир этилган фирибгарлик жиноятларининг содир этилиши сабабларини ўрганадиган бўлсак, жабрланувчиларнинг ўзлари қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлганликларининг гувоҳи бўламиз. Бундай фуқароларимиз ишларини битириш учун кимларнингдир хизматидан фойдаланишга уринишлари натижасида алдов қурбонларига айланиб қолишмоқда. Қонун ҳамма учун баробар ва унга ҳамма амал қилиши шарт. Қонунларга беътибор бўлмаган, ўз устида тинимсиз ўқиб изланган саводли, ақлли инсонлар ҳеч қачон бундай фирибгарлик жиноятларининг жабрланувчилари бўлиб қолмаслиги тарихий ҳақиқатдир.

¹ Ашуров, О. (2023). Вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.

Ҳақиқатга очиқ кўз билан боқадиган бўлсак, фирибгарлик жиноятларини доимий равишда содир этиб келаётган шахсларга нисбатан халқимизнинг кечиримлилик табиати, лоқайдлик, сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабилидаги кайфият ҳамон бизни тарк этмаганлиги сабабли фирибгарларга орамизда бемалол ҳаракат қилиш имконини туғдириб бермоқда. Бепарволик қилмасдан ўз вақтида ана шундай шахсларнинг қора қилмишларига чек қўйилишига ўз ҳиссамизни қўшадиган бўлсак, аввало бир бечорани жабюрдийдалиқдан қутқариб қолишимиз, қолаверса, жамият ривожига ҳисса қўшган бўлар эдик.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сон қарорида фирибгарлик жинояти кўринишлари батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради¹.

Демак, фирибгарлик шахснинг бошқа бир шахсни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш орқали содир этган ҳаракатида намоён бўладиган қилмиш яъни хатти-ҳаракат сифатида бахоласак бўлади.

Бугунги кунда, барча давлатларда бўлгани каби, юртимизда ҳам фирибгарлик жиноятларининг янги турларидан бири бўлмиш, киберфирибгарлик жиноятларига қарши курашиш долзарб аҳамият касб этиб келмоқда, жумладан, бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ўзгалар мулкни талон-тарож қилишнинг нисбатан кўп тарқалган тури бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, дунёда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларини фож этиш натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш, мазкур турдаги жиноятларни тезкор-қидирув фаолиятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро самарали ҳамкорликдаги фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги замонавий дунёдаги, энг йирик халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланмиш, БМТнинг ушбу йўналишда назоратни амалга оширувчи бирлашган гуруҳларининг ҳисоботида кўра, глобал иқтисодиётга улкан зарар етказилаётганлиги туфайли киберфирибгарликка қарши чораларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, фирибгарликдан етказилаётган зарар миқдори хусусий ва давлат секторларидаги тушумлар ҳажмининг умумий улушидан 1%дан 5%гача қисмини, ушбу кўрсаткич БМТ тизимида 0,03% ташкил этишини кўрсатган. Фирибгарлик жиноятини тергов қилувчи халқаро сертификатланган экспертлар уюшмаси АCFE 2022 йилда 125 та мамлакатда содир этилган фирибгарликнинг 2504 та ҳолатини ўрганиш натижасида тузилган глобал

¹ <https://lex.uz/docs/3399888>. Олий суд пленум қарори. Тошкент-2017

20-Mart, 2026-yil

ҳисоботиға кўра бутун дунё бўйлаб фирибгарликдан етказилган умумий зарар 3,6 миллиард долларни ташкил этган. Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган шахсни жавобгарликка тортиш, жиноий тажовузлар натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни қоплаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш” каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликка қарши курашиш фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш долзарб масалалардан бири эканлигини айтиб ўтган эдилар¹.

Тадқиқотчилар жиноятчини аниқлаш, уни жазолашдан кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этадилар. Шундай олимлардан бири Шарль де Монтескье «Қонунлар руҳи ҳақида»ги асарида “Яхши қонунчи жиноят учун жазо беришдан кўра жиноятларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ қайғуради. У жазолашга эмас, балки одамлар ахлоқини ўзгартиришга ҳаракат қилади² дейди.

Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради. Фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғчилик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин.

Фирибгарликда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни айбдор мулкдорлиги ёки эгалигига ихтиёрий равишда берадиган ақли расо шахсга нисбатан содир этилган бўлиши шарт. Айбдор томонидан, била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ўта ёшлиги, руҳий жиҳатдан норасолиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп

¹ Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 5(4), 240-247.

² Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – Б. 231.

модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тариқасида эмас, балки ўғирлик сифатида квалификация қилиниши лозим, чунки бундай ҳолларда шахс мулк унинг эгалигидан чиқиб кетаётганлигини англамайди.

Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиши учун реал имкониятига эга бўлган пайдан тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахс банкдаги пул маблағларини улар унинг банкдаги ҳисоб varaқасига келиб тушган пайдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағлар уларни маблағ эгаси ҳисоб varaқасидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб varaқасига ўтказилган пайдан тугалланган деб топиш лозим.

Ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни эгаллашга қаратилган фирибгарлик айбдорда ўзганинг мулкига эгалик қилиш ёки тасарруф этиш учун юридик жиҳатдан тасдиқланган имконият пайдо бўлган пайдан (масалан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ рўйхатга олиниши шарт бўлган бошқа мулкка нисбатан ҳуқуқ рўйхатга олинган пайдан; шартнома тузилган вақтдан; мулкка нисбатан шахснинг ҳуқуқи тан олинган суд қарори кучга кирган кундан; ваколатли давлат органи айбдорда ёки бошқа шахсларда мулкка нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун асослар мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилган кундан) тугалланган ҳисобланади¹

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқлиги, инсон кадриятларини топташга уринган ҳар қандай шахс қонун олдида жавобгарликка тортилишлиги муқаррарлигидир. Шу сабабли фирибгарлик жиноятларини ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолияти йўналишига оид таклифлар ҳамда тавсиялар берилган бўлиб, шу каби жиноятларни тезкор-қидирув тадбирларини қўллаган ҳолда аниқлаш ва фош этиш тартиб тамойиллари кўрсатиб берилган.

ХУЛОСА

Фирибгарлик жинояти учун жавобгарликни такомиллаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади: Жиноят кодексининг 168-моддаси бўйича олий суд пленуми қарорига қуйидаги ўзгартириш яъни, фирибгарлар томонидан етказилган зарарнинг маълум бир қисмини қоплаганларидан кейин, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатмасдан тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан фуқаролик судларига юбориш тартибини бекор қилиш ҳамда шу ҳолат юзасидан фирибгарлик ҳолатларини содир этган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш чораларини кўриш; Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган жиноят учун жавобгарликни белгилайдиган ҳамда ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириб

¹ <https://yangiliklar/print:page,1,2576. firibgarlik jinoyati tushunchasi uning salbiy oqibatlari. A/Homidov.html>

20-Mart, 2026-yil

ёки уларнинг қалбаки эканлигини била туриб, фойдаланиб содир этилган фирибгарликларни алоҳида банд сифатида киритиш; фирибгарлик жинояти туфайли етказилган зарарларнинг кўп миқдорда эканлиги ва одатда жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш масаласи қийинчиликлар келтириб чиқараётганлигидан келиб чиққан ҳолда, етказилган зарар қопланмагунига қадар фирибгарлик жиноятини содир қилган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларини қўлламаслик каби бир қатор таклифларни киритамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://daryo.uz/k/2022/04/29/> Ўзбекистонда фирибгарлик сўнгги 4 йилда 4 бараварга, киберфирибгарлик сўнгги 3 йилда 83 бараварга кўпайган. Адлия вазири Р.Давлетов.
2. <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияси. Тошкент-2023.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/12/22/crime/>. Ш.М.Мирзиёевнинг Маънавият ва маърифат кенгашининг жума куни бўлиб ўтган йиғилишидаги нутқидан. Тошкент-2023.
4. Ашуров, О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.
5. <https://lex.uz/docs/111453>. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент-2021.
6. Ашуров, О. (2023). вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.
7. <https://lex.uz/docs/3399888>. Олий суд пленум қарори. Тошкент-2017
8. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *Journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.
9. Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – Б. 231.
10. <https://yangiliklar/print:page,1,2576>. firibgarlik jinoyati tushunchasi uning salbiy oqibatlar. A/Homidov.html